

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС

ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ

5520100 – "Иссиқлик энергетикаси"

бакалавр таълим йўналиши

## БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

**Мавзу: Локал турбулизаторли иссиқлик алмашинув  
қурилмаларида гидродинамик жараёнларни тадқиқот қилиш**

Раҳбар:

\_\_\_\_\_

(имзо)

**Ибрагимов У.Х.**

Ишни бажарувчи:

\_\_\_\_\_

(имзо)

**Чориева Д.**

*"Ҳимояга рухсат этилди"*

Кафедра мудири:

\_\_\_\_\_ доц. И.Н. Қодиров  
(имзо)

*"Ҳимоя учун ДАКга юборилди"*

Факультет декани:

\_\_\_\_\_ доц. А.И. Юсупов  
(имзо)

" \_\_\_\_\_ " \_\_\_\_\_ 2012 йил

" \_\_\_\_\_ " \_\_\_\_\_ 2012 йил

**ҚАРШИ – 2012 йил**

## МУНДАРИЖА

<b>Кириш.....</b>	<b>3</b>
<b>1. Тадқиқот қилинаётган объектнинг замонавий ҳолати.....</b>	<b>6</b>
1.1. Қувур юзасида ғадир-будирликни ошириш йўли билан иссиқлик алмашинувини жадаллаштириш.....	8
1.2. Турбулизаторлар ёрдамида иссиқлик алмашинувини жадаллаштириш...	11
1.3. Буралган қувурлар ёрдамида иссиқлик алмашинувини жадаллаштириш.....	13
1.4. Қувурни накаткалаш ёрдамида иссиқлик алмашинувини жадаллаштириш.....	16
1.5. Спирал накатка ёрдамида иссиқлик алмашинувини жадаллаштириш.....	19
1.6. Диффузор-конфузор туридаги иссиқлик алмашинувини жадаллаштиргичлар.....	23
1.7. Спиралсимон пружина ёрдамида иссиқлик алмашинувини жадаллаштириш.....	25
1.8. Иссиқлик алмашинувини жадаллаштиришнинг турли усуллари самарадорлигини солиштириш.....	30
<b>2. Гидродинамик жараённи экспериментал тадқиқот қилиш.....</b>	<b>34</b>
2.1. Локал турбулизаторлар конструкциясининг тавсифи.....	34
2.2. Тажриба қурилмасининг тавсифи.....	35
2.3. Гидродинамик жараён бўйича олинган тадқиқот натижалари.....	37
<b>3. Мехнат хавфсизлиги ва хавфсизлик техникаси.....</b>	<b>48</b>
<b>4. Иқтисодий қисм.....</b>	<b>54</b>
Хулоса.....	58
Фойдаланилган адабиётлар.....	60

## Кириш.

Маълумки, саноатнинг турли соҳаларида хилма-хил хом-ашё ва маҳсулотларни қайта ишлашда иссиқлик алмашилиш жараёнлари ва уларни амалга оширувчи қурилмалар жуда кенг миқёсда қўлланилади. Иссиқлик алмашинуви қурилмалари иссиқлик электр станцияларида, иссиқлик электр марказларида, хавони иситиш ва шамоллатиш тизимларида, кимё саноатида, нефтьни қайта ишлаш саноатида, озиқ-овқат саноатида, иссиқ сув таъминоти ва иситиш тизимларида ва криоген техникаларда жуда кенг қўлланилади.

Иссиқликни бир иссиқлик ташувчидан бошқа иссиқлик ташувчига узатиш учун мўлжалланган мосламаларга – иссиқлик алмашинув қурилмаси деб аталади. Иссиқлик алмашинуви қурилмалари энергетикада, кимё саноатида, нефтьни қайта ишлаш саноатида, енгил саноатда, совутиш ва криоген техникада, иситиш ва иссиқ сув таъминоти тизимларида, маромлаш тизимларида, турли хил иссиқлик юритгичларида, авиация ва космик техникада кенг қўлланилади. Энергетик қувватлар ва ишлаб чиқариш ҳажмининг ортиши қўлланилаётган иссиқлик алмашинуви қурилмаларининг массасини ва ташқи ўлчамини ортишига олиб келди. Уларни ишлаб чиқаришда кўп миқдордаги легирланган ва рангли металллар сарфланади.

Барча соҳаларда қўлланилаётган иссиқлик алмашинуви қурилмаларининг деярли барча конструкциясида иссиқлик қиздирувчи иссиқлик ташувчидан совутовчи иссиқлик ташувчига уларни ажратиб турувчи оралик қаттиқ жисм (девор) орқали узатилади. Бунда қиздирувчи иссиқлик ташувчи иссиқликни битта юзага беради, қизиётган иссиқлик ташувчи эса иссиқликни деворнинг иккинчи томонидан қабул қилади, яъни барча ҳолларда иссиқлик алмашинуви иссиқлик ташувчилар ва иссиқлик алмашинуви юзаси орасида амалга ошади.

Кўпгина иссиқлик алмашинуви қурилмаларини лойиҳалашда қуйидаги масалалар ечилади: белгиланган умумий иссиқлик оқимида, гидравлик йўқотилишларда, иссиқлик ташувчиларнинг ҳароратлари ва босимларида

мосламанинг минимал ташқи ўлчамига ва массасига эриши. Иссиқлик алмашинуви қурилмаларининг ташқи ўлчамлари ва массасини камайтиришнинг энг оқилона усули – каналларда иссиқлик алмашинувини жадаллаштиришдир.

Ҳозирги вақтда кўпгина рекуператив иссиқлик алмашинуви қурилмаларининг асосий улушини қоплама қувурли иссиқлик алмашинуви қурилмалари ташкил этади. Ушбу қурилмаларда бир иссиқлик ташувчи қувур ичидан, иккинчиси эса қувурлараро бўшлиқда ҳаракатланади. Бундай конструкцияли мосламалар юқори босимларда ва иссиқлик ташувчилар орасидаги босимлар фарқи юқори бўлган ҳолларда, шунингдек ҳароратнинг кенг кўламларида юқори технологик тавсифларни таъминлайди.

Ҳозирги кунда бутун дунёда ишлаб чиқариш жадал суръатлар билан ошиб бормоқда, булар ўз навбатида ишлаб чиқаришдаги энергетик қувватларнинг ортиши иссиқлик алмашинуви қурилмаларининг ташқи ўлчамлари ва массасини ортишига олиб келмоқда. Бунда иссиқлик алмашинуви қурилмаларини ишлаб чиқариш учун кўп миқдордаги легирланган металлларни сарфланишига сабаб бўлмоқда.

Бундай муаммолар дунё мамлакатларининг асосий эътиборида турган долзарб масалалардан бири бўлиб ҳисобланади. Ушбу муаммоларни оқилона ҳал этишнинг усули бу-иссиқлик алмашинуви қурилмаларида иссиқлик алмашинуви жараёнини жадаллаштириш ҳисобланади. Бу борада жуда кўп изланишлар олиб борилган бўлиб, иссиқлик алмашинувини жадаллаштиришнинг жуда кўп усуллари таклиф қилинган.

Президентимиз И.А. Каримовнинг “Асосий вазифамиз–ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир” номли асарларида таъкидланганидек: “Узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган, мамлакатимизнинг салоҳияти, қудрати ва иқтисодиётимизнинг рақобатбардошлигини оширишда ҳал қилувчи аҳамият касб этадиган навбатдаги муҳим устивор йўналиш – бу асосий етакчи соҳаларни

модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, транспорт ва инфратузилма коммуникацияларини ривожлантиришга қаратилган стратегик аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга ошириш учун фаол инвестиция сиёсатини олиб боришдан иборат” яна “... иқтисодиётимизнинг етакчи ўринларга чиқиши учун Тошкент, Навоий ва Толлимаржон иссиқлик электр станцияларида буғ-газ мосламаларини қуриш, ... ташкил этишга қаратилган йирик лойиҳаларни амалга оширилишини айтиб ўтиш лозим.

Шу билан бирга, Муборак газни қайта ишлаш заводи ва Шўртаннефтегаз мажмуасида суюлтирилган газ ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун пропан-бутан аралашмаси мосламаларини қуриш, Янги Ангрен иссиқлик электр станцияси энергия блокларини кўмир ёқилғиси билан ишлаш тизимига ўтказиш, автомобил кучланиш агрегатларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва бошқа бир қатор муҳим стратегик лойиҳаларни амалга ошириш алоҳида истиқболли аҳамиятга эга эканини таъкидлаш зарур” [1].

Юқорида келтирилган масалаларни билдирилган фикрларни инобатга олган ҳолда ушбу битирув малакавий ишида иссиқлик алмашинуви қурилмаларини ташқи ўлчамларини кичрайтириш, уларнинг массасини камайтириш ва иссиқлик алмашинуви қувурларида содир бўладиган туз қатламларини олдини олиш масалаларига асосий эътибор қаратилди.

Битирув малакавий ишини бажаришдан асосий мақсад иссиқлик алмашинувини жадаллашишига олиб келувчи локал турбулизаторларнинг янги конструкцияларини ишлаб чиқиш ва уларни тадқиқот қилишнинг тажриба қурилмасини яратиш, қувурларда локал турбулизаторлар қўлланилганда гидродинамик жараённи тадқиқот қилиш ва натижалар олиш, ҳамда яратилган локал турбулизаторларнинг янги конструкцияларини иқтисодий асослаш битирув малакавий ишининг асосий мақсади ҳисобланади.

## **1. Тадқиқот қилинаётган объектнинг замонавий ҳолати.**

Ёқилғи энергетика манбаларидан оқилона ва самарали фойдаланиш муҳим муаммолардан бири ҳисобланади. Энергетик қувватларни ва ишлаб чиқариш ҳажмини ортиши натижасида қўлланилаётган иссиқлик алмашинуви қурилмаларининг массасини оғирлашишига ва ташқи ўлчамларини катталашшига олиб келди. Юқори самарадор ва ихчам иссиқлик алмашинуви қурилмасини яратиш, ёқилғини, металл ва меҳнат ҳаражатларини сезиларли даражада камайтирди.

Ушбу муаммоларни ҳал этишда каналларда иссиқлик алмашинувини жадаллаштиришнинг самарали усулларидан фойдаланиш зарур. Иссиқлик алмашинуви қурилмалари барча энергетик қурилмаларнинг асосийси ва металл сифими юқори бўлган мосламалар ҳисобланади. Улар иссиқлик энергетикасида, кимё, нефтьни қайта ишлаш ва енгил саноатнинг технологик жараёнларида, металлургияда, қурилишда ва халқ ҳўжалигининг бошқа соҳаларида ҳам кенг қўлланилади. Масалан нефть кимёси ишлаб чиқаришида иссиқлик алмашинуви қурилмаларининг массаси барча технологик мосламаларнинг умумий массасини 35-40% ини ташкил этади.

Иссиқлик алмашинуви қурилмаларининг ичида энг кенг тарқалганлари қоплама қувурли иссиқлик алмашинуви қурилмалари ҳисобланади. Ушбу қурилмаларни ишлаб чиқаришда кўп миқдорда легирланган ва рангли металллар сарфланади.

Каналларда иссиқлик алмашинувини жадаллаштириш усуллари қўлланган иссиқлик ва масса алмашинуви қурилмаларини яратиш ва ишлаб чиқиш тажрибалари мосламаларнинг ташқи ўлчамларини ва металл сифимини 1,5-2 марта камайишига олиб келади, шунингдек, каналларда туз қатламларини ҳосил бўлиш жадаллиги сезиларли даражада камаяди. Бунда ишлатишдага ҳаражатлар ва меҳнат сифими 2-3 марта ортади. Жадаллаштиришнинг таклиф этилган усуллари ишлаб чиқаришда технологик

содда, иссиқлик алмашинуви қурилмаларини йиғишда қулай ва ишлатишда ишончли бўлиши керак.

Иссиқлик алмашинувини жадаллаштириш иссиқлик алмашинуви қурилмаларининг массасини ва ташқи ўлчамларини камайтириш муаммосини ечишнинг самарали йўли ҳисобланади.

Ҳозирги вақтда конвектив иссиқлик алмашинувини жадаллаштиришнинг турли усулари таклиф этилган ва тадқиқот қилинган. Бир фазали иссиқлик ташувчилар учун турбулизаторларни қўллаш, ғадир-будир юзалар, қовурғалаш ҳисобига юзани ошириш, спиралсимон қовурға ёрдамида оқимни уюрма ҳаракатга келтириш, шнекли мосламалар, каналга киришда ўрнатилган гирдоблантиргичлар, суюқлик оқимига газ пуфакчаларини аралаштириш, газ оқимига эса қаттиқ заррачалар ва томчили суюқликларни аралаштириш, иссиқлик алмашинуви юзасини айлантириш, юзани тебратиш, оқимга электростатик майдон таъсир эттириш, чегараланган қатламдан оқимни сўриб олиш ва ҳоказо.

Жадаллаштиришнинг курама усулини қўллаш юқори самарадор ҳисобланади (турбулизаторларни қовурғали юзалар билан қўллаш, спиралсимон қовурғаларни уюрма ҳаракатга келтирилган оқим билан бир вақтда қўллаш, уюрма ҳаракатга келтирилган оқим билан турбулизаторларни биргаликда қўллаш ва ҳоказо).

Шуни таъкидлаш жоизки, иссиқлик алмашинувини жадаллаштиришнинг у ёки бу усулини қўллаш учун усулни танлашда нафақат юзанинг самарадорлигини, балки усулнинг бир ёки икки фазали иссиқлик ташувчилар учун универсаллигини, тайёрлашда технологик осонлигини, иссиқлик алмашинуви қурилмасини йиғишда осонлигини, мустаҳкамлик талабларини, юзанинг ифлосланишини, ишлатишида қулайлигини ҳам ҳисобга олиш зарур. Ушбу ҳолатлар самарадор юзаларни танлаш имкониятини камайтиради.

Ҳозирги вақтда оқимни сунъий турбулизациялаш усулини қўллаш каналларда иссиқлик алмашинувини жадаллаштиришнинг энг самарали усули ҳисобланади [4,5].


Иссиқлик ташувчиларнинг ламинар оқимда спиралсимон ёки бурама қувурларни қўллаш [6], кўп йўлли шнеклар ёрдамида оқимни гирдоблантириш, каналлар ва қувурларда ташқи ва ички қовурғани қўллаш кичик иссиқлик оқими ва иссиқлик ташувчиларнинг ламинар оқим режимида мақсадга мувофиқдир [8-10].

### **1.1. Қувур юзасида сунъий ғадир-будирликни ошириш йўли билан иссиқлик алмашинувини жадаллаштириш.**

Саноат иссиқлик алмашинуви қурилмаларида фойдаланиладиган қувур ва каналларнинг ички юзаси амалда ҳеч қачон текис бўлмайди. Амалиётда ҳар доим идеал текис юза рельефидан оғиш мавжуд.

Юзанинг ғадир-будирлиги-табиий равишда технологик ишлаб чиқаришда ва қувурларни ишлатиш шароитидан, шунингдек, сунъий равишда, яъни қувур юзаларида махсус ўрнатмалар ҳосил қилиб ғадир-будирликни ошириш (1.1-расм). Сунъий ғадир-будирлик иссиқлик алмашинувини жадаллаштириш мақсадида амалга оширилади, бунда гидравлик қаршилик ортади.

Турбулент оқими вақтида Г.Шлихтинг [11] учта характерли режимни фарқлайди.



**1.1-расм.** Ғадир-будир юзаларнинг шакллари.



$b$ -ғадир-будир юзаларнинг қалинлиги;  $s$ -ғадир-будирлик қадами;  $k$ -ғадир-будирлик баландлиги.

Г.Шлихтинг турбулент оқимини учта характерли режимга ажратади.

Ғадир-будирлик бўлмаган ёки гидравлик силлиқ қувур режими,  $k/r_0$  ҳар бир қиймати учун аниқланган ва Рейнольдс сони соҳасига мос келади, бунда қувур ғадир-будирлигининг қаршилик коэффиценти қийматига эга бўлади. Бундай оқим режими  $vk \leq 5$  бўлганда амалга оширилади. Ушбу ҳолда ғадир-будир бўртмалар кичик бўлиб, қовушқоқ ост қатламнинг ичида жойлашади ва оқим бузилмасдан оқади. Бунда ғадир-будирлик қаршилик ва  $\xi = f(Re)$  боғлиқликка таъсир кўрсатади.

Ўтиш режими гидравлик силлиқ қувур режимига қараганда анча ривожланган бўлиб, қувур ғадир-будирлигининг қаршилик коэффиценти силлиқ қувурнинг гидравлик қаршилик коэффицентида катта бўлади. Ўтиш режими  $5 \leq vk/n \leq 70$  бўлганда кузатилади. Ушбу ҳолда ғадир-будирлик элементлари баъзан қовушқоқ ост қатламдан бўртиб чиқади, уларнинг бўртиб чиққан қисми оқимни бузади (оқимни узулишига олиб келади) бу ўз навбатида қўшимча кучланишнинг ҳосил бўлишига олиб келади, бунда қувур ғадир-будирлигининг қаршилиги нафақат  $Re$  га, балки  $k/r_0$  га боғлиқ бўлади.

Ғадир-будирликнинг тўлиқ мавжуд бўлиш режими Рейнольдс сонининг жуда катта қийматларига мос келади, юнда қувур ғадир-будирлигининг қаршилик коэффиценти  $Re$  га боғлиқ ҳолда ҳамда ортади. Бундай режим  $vk/n > 70$  бўлганда кузатилади. Ушбу ҳолда ғадир-будирлик элементлари деярли тўлиқ қовушқоқ ост қатламининг устида бўлади. Шунинг учун ғадир-будирлик элементларининг шакллари қаршилиги девордаги кучланиш уринмасининг вужудга келишида асосий ролни уйнайди. Ушбу сабаб бўйича  $\xi$ ,  $k/r_0$  га боғлиқ бўлади, қаршилик қонуни эса квадратли бўлиб қолади ( $\Delta p \approx \bar{w}^2$ ).

Қумоқ ғадир-будирликни қувурда ғадир-будирлик тўлиқ мавжуд бўлган режимда қаршилик коэффиценти учун И. Никурадзе [12] қуйидаги тенгламадан олган:

$$x = \frac{l}{(2 \lg(r_0/k) + 1,74)^2} \quad (1.1)$$

Қувурларда барча учта оқим режими учун табиий ғадир-будирликли қувурларда қаршилик коэффиценти Колибрик ва Уойт тенграмаси ёрдамида яхши ёзилади:

$$1/\sqrt{x} = 1,74 - 2 \lg(k/r_0 + 18,7/(Re\sqrt{x})) \quad (1.2)$$

$k/r_0 \rightarrow 0$  бўлганда (1.2) тенглама гидравлик силлиқ қувур учун Прандтл формуласига ўтади:

$$1/\sqrt{x} = 2 \lg(Re\sqrt{x}) - 0,8 \quad (1.3)$$

Агар қувур ғадир-будирлигининг қаршилиги силлиқ қувур қаршилигидан доимо катта бўлса ёки унга тенг бўлса, у ҳолда ғадир-будир қувурда иссиқлик бериш силлиқ қувурга қараганда юқори ёки паст бўлиши мумкин. Бу ғадир-будирлик элементларининг шакли, баландлиги, ўзаро жойлашуви ва Рейнольдс сонидан аниқланади.

Амалиётда иссиқлик алмашинувини жадаллаштириш учун сунъий ғадир-будирлик кўп қўлланилади, масалан-резбалар, қувур бўйлаб жойлаштирилган турли профилли ҳалқалар ва ҳоказо.


Табиий ва сунъий ғадир-будирликли қувурларда иссиқлик бериш учун турли шаклдаги элементлар (симлар, шарлар, пирамида, цилиндрлар, ярим цилиндрлар ва ҳоказо) бир-бирига яқин жойлашганда иссиқлик бериш учун А.М. Ягтя ва Б.А. Кадар [13] лар қуйидаги тенграмани олишган:

$$Nu = \frac{\sqrt{x/8} Re Pr}{2,12 \ln \frac{r_0}{k} + 0,55(Pr^{2/3} - 0,2)k_+^{1/2} + 10 - \frac{3,2}{(1 - k/r_0)^2} + 6,6\sqrt{x/8}} \quad (1.4)$$

бу ерда  $k_+ = \frac{k}{d} Re \sqrt{x/8}$ .

## 1.2. Турбулизаторлар ёрдамида иссиқлик алмашинувини жадаллаштириш.

Ҳозирги вақтга қадар турли хил турбулизацияловчи мосламалар таклиф қилинган, уларни қуйидагича таснифдаш мумкин: текис коаксиал дисклар (1.2, а-расм), улар қувурнинг диаметр кесими бўйича ўрнатилади: диафрагмалар (ҳалқалар) оқим кесимини даврий торайиши (1.2, б-расм).



1.2-расм. Дискли ва ҳалқали турбулизаторлар.

Дискли турбулизаторлар Р. Кох томонидан тадқиқот қилинган бўлиб, унда турбулент оқим режимида ички диаметри 50 мм бўлган қувурдан ҳаво оқими ўтганда дискли турбулизаторлар ўтнатилган.

Энг яхши энергетик ва иқтисодий самара  $d_0/d=0,4$  ( $d_0=20$  мм) бўлганда олинган, бунда эркин ўтиш кесими 84% га мос келади.

Дискли турбулизаторлар билан таъминланган қувур, диск ўрнатилмаган текис қувур билан солиштирилганда ва бунда сувнинг тезлиги  $w=0,5$  м/с бўлганда ва  $d_0/d=0,4$  учун энергетик ва келтирилган йиллик харажатлар 3% га тежаллади. Аммо сувнинг тезлиги оптимал тезликка эришганда (1 м/с) тежамкорлик тахминан 1% гача камаяди. Жуда юқори тезликларда дискларни қўллаш ҳеч қандай самара бермайди.

Дискли турбулизаторларнинг асосий камчиликлари уларнинг энергетик ва иқтисодий самарадорлигини камлиги, улар турбулизацияни бутун оқим бўйича ва оқим ядроси бўйича кучайтиради. Бу ўз навбатида суюқликларни ҳайдашга сарфланадиган қувватни сезиларли оширади, иссиқлик алмашинувини жадаллаштириши сезиларли даражада ортади.

Турбулент ва ўтиш режимлари учун энг истиқболли турбулизациялаш қурилмаси ҳисобланади. Ушбу турбулизаторлар деворга ёпишган оқимнинг

четки қатламини турбулент ҳаракатга келтиради. Ушбу ҳолда оқим ядросида амалга оширилмаган қўзғалишга энергия сарфланмайди ва сарфланган қувват эса фақатгина чегара қатламини тубулизациялашга сарфланади, ушбу чегара қатлам умумий оқимнинг маълум қисмини ташкил этади, аммо иссиқлик алмашинувини жадаллаштириш учун жуда муҳим ҳисобланади.

Бундай периферияли турбулизаторларга одатда диафрагмани киритиш мумкин. Улар ёки қувурнинг ичига жойлаштириладиган ҳалқа сифатида ёки қувурни қисиш орқали ҳосил қилинади. Ҳалқали турбулизаторлар Р. Кох [15], В. Нуннер [14] ва В.Г. Букин [16] томонидан тажрибавий ўрганилган. Ҳалқали турбулизаторларни синов натижалари Э.К. Калинин ва бошқалар [17] китобида келтирилган.

[14] ишда ҳавонинг оқимида ҳалқали турбулизаторлар тажрибавий тадқиқот қилинган. Тадқиқот  $Re=500\div 60000$ ,  $l/d=0,4\div 20$ ,  $d_0/d=0,5\div 0,8$  оралиғида олиб борилган.

[15] ишда ҳавонинг оқимида ҳалқали турбулизаторлар тажрибавий тадқиқот қилинган. Тадқиқот  $Re=500\div 60000$ ,  $l/d=0,4\div 3,2$ ;  $d_0/d=0,88\div 0,98$  оралиғида олиб борилган.

[16] ишда  $CaCl_2$  намोकобининг оқимида ҳалқали турбулизаторлар тажрибавий тадқиқот қилинган. Тадқиқот  $Re=1800\div 10000$ ,  $l/d=0,17\div 2,67$ ;  $d_0/d=0,8\div 0,92$  оралиқларда амалга оширилган.

[17] ишда сув ва сув-глицерин эритмасининг оқимида  $Re=1600\div 63000$ ,  $l/d=0,5\div 2$ ;  $d_0/d=0,88\div 0,98$  оралиғида олиб борилган.


Иссиқлик бериш коэффициентларининг нисбатини  $\alpha/\alpha_t$ , қаршилиқлар коэффициентларининг нисбатини  $x/x_m$ , шунингдек,  $H=ax_m/a_mx$ , нисбатини  $Re$  сонига боғлиқлиги турбулизаторларни қўллаш самарадорлигини сифат томонлама тавсифлайди ва  $H=f(Re)$ ,  $a/a_m=f(Re)$  ва  $x/x_{zn}=f(Re)$  графиклар шаклида ифодаланган [18].  $Re<2000$  бўлганда ҳалқали турбулизаторларни қўллаш мақсадга мувофиқ эмас, шунингдек бунда ламинар оқим ҳалқани силлиқ ювиб ўтади ва уярма ҳосил бўлмайди, натижада ламинар оқимни

турбулизацияланиши кузатилмайди, бу эса иссиқлик бериш жараёнини жадаллашишига салбий таъсир кўрсатади.

Ҳалқали турбулизаторларнинг асосий камчиликларига уларни узун в ингичка қувурларда ўрнатиш қийинлиги ҳисобланади. Амалиётда фақатгина қувурларни ташқи қисми қўлланилади.


### 1.3. Буралган қувурлар ёрдамида иссиқлик алмашинувини жадаллаштириш.

Буралган қувурлар турли мақсадларда қўлланиладиган иссиқлик алмашинуви қурилмалари кенг қўлланилади. Бундай қувурларнинг кўндаланг кесими, учбурчакли ёки тўртбурчакли бўлиши мумкин (1.2-расм). Одатда қувурлар, қувурлар дастасига йиғилади ва иссиқлик алмашинуви қурилмасининг корпусига жойлаштирилади. Шундай қилиб, ҳар қувурнинг ичидаги оқим ва қувурлараро бўшлиқдаги оқим гирдобланади ва иссиқлик алмашинувининг жадаллашиши юқори даражада бўлади.



1.3-расм. Яқка буралган қувурлар.

Овалсимон (а), учбурчакли (б) ва тўртбурчакли (в).



**1.4-расм.** Винтсимон буралган қувурлардан тайёрланган қоплама қувурли  
иссиқлик алмашинуви қурилмаси.

1-қувур; 2-қувурлар тахтаси; 3-қоплама; 4-иссиқлик алмашинувчи муҳитни  
киритувчи ва чиқарувчи коллекторлар.

Буралган қувурлар ёрдамида ҳосил қилинган қийин шаклли каналларда  
иссиқлик алмашинуви ва гидродинамик жараёнларнинг хусусиятлари ушбу  
тўпламнинг конструктив хусусиятларидан аниқланади [19]. 1.4-расмда  
қувурининг кўндаланг кесими овал шаклида бўлган буралган қувурлардан  
тайёрланган қоплама қувурли иссиқлик алмашинуви қурилмаси схематик  
тасвирланган, буралган қувурларнинг охири текис ҳалқали бўлиб, улар  
қувурлар тахтасига маҳкамланган [20].

Бурлаган қувурлар дастасининг энг асосий геометрик параметрлари  
бўлиб, уларга қурилмаларнинг буралиш қадами  $s$ , қувур овал кесимининг  
максимал ўлчамига мос келадиган диаметр  $d$  ва ҳоказо.

Буралган қувурлар тизимида иссиқлик алмашинуви ва  
гидродинамикани тажрибавий ва назарий тадқиқот қилишнинг натижалари  
[19,21] ишларда тўлиқ келтирилган.

[19] ишда бурама қувурлар ичидан оқиб ўтганда гидравлик қаршилик  
ва иссиқлик алмашинуви тажрибавий тадқиқот қилинган. Тажрибалар иккита  
буралган қувурда олиб борилган бўлиб, уларнинг нисбий қадами  $s/d=6,2$  ва  
12,2 ва қуйидаги ораликда амалга оширилган  $Re=7 \cdot 10^3 \dots 2 \cdot 10^5$ ,  
 $T_c/T_n=1,08 \dots 1,9$ .

Овалсимон буралган қувурдаги гидравлик қаршилик изотермик оқимда  
тадқиқот қилинган.

Тажриба натижалари  $Re$  сонининг тадқиқот қилинган соҳаларида  
қуйидаги боғлиқлик билан умумлаштирилади:

$s/d=6,2$  учун

$$x = 0,26 Re^{-0,18} \quad (1.5)$$

$s/d=12,2$  учун

$$x = 0,175 Re^{-0,18} \quad (1.6)$$

Айлана қувурлар учун умумлаштирилган боғлиқлик қуйидаги кўринишда бўлади [22, 23]:

$$x = 0,316 \left[ 1 + 3,237 \left( \frac{s}{d} \right)^{-0,81} \right] Re^{-0,25} \quad (1.7)$$

Овалсимон кесимли бурама қувурларнинг ичидаги гидравлик қаршилик бўйича олинган гидравлик қаршиликлар қуйидаги боғлиқлик билан умумлаштирилиши мумкин:

$$x = \frac{0,71}{Re^{0,2}} \left( \frac{d_3}{D} \right)^{0,27} - 0,008 \left( \frac{D}{d_3} \right)^{0,67} \quad (1.8)$$

Иссиқлик алмашинуви стабиллашган ҳолда қувурнинг узунлиги бўйича маҳаллий иссиқлик бериш қуйидаги ифода билан умумлаштирилади:

$s/d=12,2$  учун

$$Nu = 0,025 Re^{0,8} Pr^{0,4} y^{-(0,22+0,0023x/d_3)} \quad (1.9)$$

$s/d=6,2$  учун

$$Nu = 0,0294 Re^{0,8} Pr^{0,4} y^{-0,17} \quad (1.10)$$

Ишчи жисми ҳаво бўлган тадқиқот ишида олинган натижалар 10% гача аниқлик билан қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$Nu = 0,072 Re^{0,76} Pr^{0,4} (T_c / T_n)^n (d_3/D)^{0,16} \quad (1.11)$$

$s/d=6,2 \dots 16,69$ ,  $Re=6 \cdot 10^3 \dots 10^5$ ,  $T_c/T_n=1 \dots 1,55$  параметрлар оралиғида иссиқлик бериш [23] ишда тадқиқот қилинган бўлиб, у қуйидаги боғлиқлик билан умумлаштирилади:

$$Nu = 0,019 \left[ 1 + 0,547 \left( \frac{s}{d} \right)^{-0,83} \right] Re^{0,8} \quad (1.12)$$


Буралиш қадами  $s/d=12,2$  учун (1.12) боғлиқлик бўйича Nu сонини ҳисоблаш 9,6% гача аниқлик беради,  $s/d=6,2$  учун эса 20,3% ни ташкил этади.

[24] ишда  $s/d=6,5$ ,  $Re=2 \cdot 10^4 \dots 2 \cdot 10^5$ ,  $T_c/T_n=1 \dots 1,6$  параметрли ораликда иссиқлик бериш қуйидаги боғлиқлик билан умумлаштирилади:

$$Nu = 0,0182 Re^{0,8} \left( \frac{T_{\text{н}}}{T_{\text{р}}} \right)^{-0,55} \exp \left[ 1,95 \left( \frac{T_{\text{н}}}{T_{\text{р}}} - 1 \right)^2 \right] \quad (1.13)$$

#### 1.4. Қувурни накаткалаш ёрдамида иссиқлик алмашинувини жадаллаштириш.

Қувурчали иссиқлик алмашинуви қурилмаларида қувурни накаткалаш орқали иссиқлик алмашинувини жадаллаштириш усули Москва авиация институти (МАИ) да Э.К. Калинин, Г.А. Дрейцер, Е.В. Дубровский, С.А. Ярхо, Г.И. Воронин [25, 6] лар томонидан ишлаб чиқилган. Таклиф этилган усулнинг моҳияти қуйидагича: накаткалаш ёрдамида қувурнинг ташқи юзасига даврий жойлашган ҳалқали бўртиқлар ҳосил қилинади (1.5-расм). Бунда қувурнинг ички юзасида рагон шаклли ҳалқали диафрагмалар ҳосил бўлади. Ҳалқали диафрагмалар ва бўртмалар девор олди қатламидаги оқимни турбулизациялайди ва қувурнинг ички ва ташқи томонида иссиқлик алмашинуви жадаллашишини таъминлайди. Шунингдек бунда тўпламнинг ташқи диаметри ошмайди ва иссиқлик алмашинуви қурилмаларини йиғишнинг олдинги технологияси ўзгармайди.



1.5-расм. Ҳалқали накаткали қувурнинг кўндаланг қирқими.

Қувурларни накаткалашнинг таклиф этилган усулини амалга ошириш қийин эмас. Накаткани амалга ошириш нархи қувур нархининг бир неча фоизини ташкил этади. Накаткаловчи дастгоҳнинг унумдорлиги 2 м/дақиқа. Махсуслаштирилган дастгоҳнинг унумдорлиги эса 9 м/дақиқа.

Таклиф этилган ҳалқали турбулизаторли қувурлар газ ва суюқликда ишловчи мосламаларда, иссиқлик ташувчиларнинг қайнашида ва конденсацияланишида қўлланилади, шунингдек амалиётда қўллашда



универсалликни таъминлайди. Шундай қилиб, ҳалқали турбулизаторли қувурлар барча талабларни қониқтиради, бу эса уларни амалиётда кенг қўллаш имконини беради.

Шуни таъкидлаш керакки, ушбу қувурларда биринчи мартаба илгари ноъмалум бўлган қонуният, яъни ажбурий конвекция шароитида оқимнинг дискрет турбулизацияланишида канал даврларида иссиқлик беришнинг ўзгариши кашф этилди, яъни турбулизаторларнинг белгиланган қўламдаги ўлчамида ва жойлашувида иссиқлик беришнинг ўсиши гидравлик қаршилиқнинг ўсишидан катта бўлади.  $Nu/Nu_m > x/x_m$  муносабатни амалиётга жорий этиб фойдаланиш натижасида, иссиқлик алмашинуви қурилмасининг белгиланган қувватида ва гидравлик қаршилигида нафақат мосламанинг ҳажми камаяди, балки унинг кўндаланг кесими майдони қисқаради.

Ҳалқали турбулизаторли қувурлар учун Рейнольдс сонига боғлиқ ҳолда иссиқлик бериш ва гидравлик қаршилиқ коэффициентларини аниқлаш учун турбулизаторларнинг жойлашиш қадами ва баландлиги  $d/D$  учун умумлаштирувчи боғлиқликлар олинган [26-30]. Барча келтирилган боғлиқликларда ҳалқали турбулизаторли қувурларда ва қувурлар тўпламида иссиқлик бериш коэффициенти аниқлашда иссиқлик алмашинуви юзасининг ошиши ҳисобга олинмаган, яъни иссиқлик оқимининг зичлиги текис қувурларнинг ўтиш кесими бўйича аниқланади.

Равон кўндаланг ҳалқали накаткали қувурларда газларнинг (ҳаво, сульфат кислота, гелий) ва суюқликларнинг (сув, сув-глицерин аралашмаси) оқиб ўтишида иссиқлик бериш гидравлик қаршилиқ тадқиқот қилинган.

Тадқиқот кенг қўламда қуйидаги параметрлар бўйича амалга оширилган:  $Re=1,5 \cdot 10^3 \div 4 \cdot 10^5$ ,  $Pr=0,7 \div 50$ ,  $d/D=0,83 \div 1$ ;  $t/D=0,25 \div 10$ ;  $y=0,13 \div 1,6$  газлар учун ва  $m_f/m_w=1 \div 2,5$  суюқликлар учун.

Газларни қиздириш ва совутишда ( $y=0,13 \div 1,6$ ) ўртача иссиқлик бериш коэффициенти ҳисоблаш (1.14) ва (1.16) формулалар бўйича амалга

оширилади, тажриба натижалари  $Re$  кўламида  $\pm 12\%$  аниқлик билан умумлаштирилади:

$d/D=0,88\div 0,98$  ва  $t/D=0,25\div 0,8$  бўлганда

$$\frac{Nu}{Nu_0} = \left( 1 + \frac{\lg Re - 4,6}{35} \right) \left\{ 3 - 2 \exp \left[ \frac{-18,2(1 - d/D)^{1,13}}{(t/D)^{0,326}} \right] \right\} \quad (1.14)$$

$d/D=0,88\div 0,98$  ва  $t/D=0,8\div 2,5$

$$\frac{Nu}{Nu_0} = \left( 1 + \frac{\lg Re - 4,6}{30} \right) \left[ \left( 3,33 \frac{t}{D} - 16,33 \right) \frac{d}{D} \right] + \left( 17,33 - 3,33 \frac{t}{D} \right) \quad (1.15)$$

Иккала формула ҳам  $Re$  газнинг ҳарорати бўйича аниқланади.

$d/D=0,90\div 0,97$  ва  $t/D=0,5\div 10$  бўлганда қуйидаги формуладан фойдаланиш мумкин

$$\frac{Nu}{Nu_0} = \left( 1 + \frac{\lg Re_w}{7,45} \right) \left( 1 - 0,25 \sqrt{1 - \frac{d}{D}} \right) \exp \left[ \frac{9(1 - d/D)}{(t/D)^{0,58}} \right] \quad (1.16)$$

бу ерда  $Re_d$  девор ҳарорати бўйича аниқланади.

(1.14) ва (1.16) формулаларда  $Nu_0$  қуйидаги боғлиқликлар бўйича аниқланади:

газларни қиздиришда

$$Nu_0 = 0,0207 Re_w^{0,8} Pr_w^{0,43} \quad (1.17)$$

газларни совутишда

$$Nu_0 = 0,0192 Re_w^{0,8} Pr_w^{0,43} \quad (1.18)$$

ҳаво учун

$$Nu_0 = 0,018 Re^{0,8} \quad (1.19)$$

Гидравлик қаршиликлар бўйича олинган натижалар  $Re=10_4\div 4\cdot 10^5$  кўламида  $\pm 12\%$  аниқлик билан қуйидаги боғлиқликлар ёрдамида умумлаштирилади:

$d/D=0,90\div 0,97$  ва  $t/D=0,5\div 10$  бўлганда

$$\frac{x}{x_0} = \left[ 1 + \frac{100(\lg Re - 4,6)(1 - d/D)^{1,65}}{\exp(t/D)^{0,3}} \right] \exp \left[ \frac{25(1 - d/D)^{1,32}}{(t/D)^{0,75}} \right] \quad (1.20)$$

$d/D=0,88\div 0,98$  ва  $t/D=0,5$  бўлганда

$$\frac{x}{x_0} = \left( 1 + \frac{\lg Re - 4,6}{3,4 Re / 10^5 + 6} \right) \left( 1,3 - \sqrt{\frac{d}{D} - 0,93} \right) \exp \left[ 20,9 \left( 1 - \frac{d}{D} \right)^{1,05} \right] \quad (1.21)$$

$d/D=0,88\div 0,98$  ва  $t/D=0,5$  бўлганда

$$\frac{x}{x_0} = \left[ 1 + \frac{\lg Re - 4,6}{6 (Re / 10^5)^{0,33}} \right] \left( 3 \frac{d}{D} - 2 \left( 2,5 - 1,5 \frac{d}{D} \right) \exp \left[ 17 \left( 1 - \frac{d}{D} \right)^{0,858} \right] \right) \quad (1.22)$$

(1.20) формулада  $x_0$  куйидаги боғлиқликдан аниқланади:

$$x_0 = 0,3164 / Re^{0,25} (m_f / m_w)^{n_0} \quad (1.23)$$

бу ерда  $n_0=0,14$  газларни қиздиришда,  $n_0=0$  газларни совутишда ва  $n_0=1,3$  суюқликларни қиздиришда.


(1.21) ва (1.22) формулаларда  $x_0$  куйидаги боғлиқлик бўйича аниқланади

$$x_0 = 0,182 / Re^{-0,2} \quad (1.24)$$

Ўхшаш ҳолда [6] ишда гидравлик қаршиликлар учун ҳисобий боғлиқликлар келтирилган.

### 1.5. Спирал накатка ёрдамида иссиқлик алмашинувини жадаллаштириш.

Ички спирал накатка иссиқлик алмашинуви қурилмаларида кенг қўлланилади. Накатка токарлик дастгоҳида амалга оширилади. Табиийки амалиётда массавий ишлаб чиқаришда тайёрлаш жараёни модернизацияланиши мумкин ва бундай қувурлар роликли машинади ёки бошқа усул билан тайёрланиши мумкин. Ички спирал накатканинг кўндаланг қирқими 1.6-расмда келтирилган.



1.6-расм. Винтсимон накаткали қувурнинг умумий кўриниши.

Узлукли бўртмалар ёрдамида иссиқлик беришни жадаллаштириш турбулизациялаш ва оқимнинг девор олди зоналарини бузиш ҳисобига амалга оширилади. Иссиқлик алмашинувини жадаллаштирувини ва гидравлик қаршиликни ортиши бўртманинг баландлиги  $h_s$ , бўртмалар орасидаги масофа  $S$ , бўртмалар шаклига ва уларнинг ўзаро жойлашувига боғлиқ [33].

Шуни таъкидаш жоихки, ҳалқали ва винтсимон накаткали қувурларда иссиқлик алмашинувини жадаллаштириш катор афзалликларга эга [33]:

1) қувурнинг ташқи юзасида накаткалани ёрдамида ҳосил қилинадиган уймалар иссиқлик ташувчиларнинг қувурлараро оқимида иссиқлик алмашинувини жадаллаштиради;

2) накаткалани технологияси содда;

3) қоплама қувурли иссиқлик алмашинуви қурилмасини йиғишнинг амалдаги технологиясини накаткаланган қувурлар учун тўлалигича қўллаш мумкин;

4) кам ҳаражатли (накаткалани нархи текис қувур нархининг бир неча фоизини ташкил этади [14]);

5) қўшимча металл сарфи талаб этилмайди.

Ре сонининг катта қийматларида оқимнинг турбулентли ғалаёнланиши каналнинг марказига тўғри келади ва иссиқлик бериш жараёнига кам таъсир кўрсатади. Шунингдек  $Re=10^4 \div 10^5$  учун бўртманинг оптимал баландлиги  $0,02 < h_s/d < 0,1$ , оптимал қадами эса  $10 < s/h_s < 25$  оралиқда бўлади [7, 8].

Спиралсимон бўртмаларни қўллаш натижасида каналларда иссиқлик алмашинувини жадаллаштиришнинг тадқиқотини кўрсатишича думалоқ қувурларда энг юқори самарадорлик  $s/h_s=10 \div 15$  бўлганда ёки оқимни буралиши  $\alpha_0=50 \div 60^\circ$  да амалга ошади. Бунда  $tg \alpha_0 = pd/S$ .

Спирал қовурғали қувурларни, винтсимон накаткали қувурларни ва пружинали спиралсимон ўрнатмалли қувурларни қўлланилиш соҳалари деярли бир хил. Иссиқлик алмашинувини жадаллаштиришда юзага келадиган

самаралар ҳам деярли бир хил. Лекин [11, 14] ларда кўрсатилишича винтсимон накатка шаклидаги жадаллаштиргичнинг шакллари камаяди ва бўртма билан қизиётган қувур юзаси орасидаги контактни ёмонлашиши юзага келмайди, бу айниқса пружинали ўрнатмалардан фойдаланишда содир бўлади.

[6] да ушбу жадаллаштириш усулининг самарадорлиги қайд қилинган  $Re=6 \cdot 10^3 \div 3 \cdot 10^5$  кўламида самара ёки текис қувур билан солиштирилганда иссиқлик алмашинувининг жадаллашишини ошириши 50% га етади.

[1] ишда ички спирал накатка иўлиқ тадқиқот қилинган. Гидравлик диаметри  $d_3=16$  мм,  $l/d=50$  бўлган 6 та қувурда тадқиқот олиб борилган, бунда иссиқлик алмашинувининг стабиллашган шароити таъминланади. 4 та бир йўлли қувурлар, уларда спирал қадами  $H/d_3=1,25; 2,5; 3,8; 5$ ;  $h/d_3=0,25$ , битта икки йўлли қувур, унда спирал қадами  $H/d_3=3,9$  ва битта тўрт йўлли қувур, унда спирал қадами  $H/d_3=4,0$ ;  $h/d_3=0,25$  бўлган қувурлар тадқиқот қилинган.

Иссиқлик алмашинуви ва гидравлик қаршиликбўйича тажриба натижалари  $Nu/(0,02Re^{0,8})=f(Re)$  ва  $\chi=f(Re)$  графиклар шаклида ифодаланган. Қаршиликларни енгишга сарфланган солиштира қувват текис қувур билан тенг бўлганда, иссиқлик сиғимининг ошириши тахминан 20% ни ташкил этади. Ушбу иссиқлик сиғимининг ортиши [2] ишда олинган, унда ўхшаш накаткали қувур тадқиқот қилинган. Иссиқлик алмашинуви бўйича тажриба натижалари қуйидаги формула бўйича умумлаштирилади:

$$Nu = 0,03 Re^{0,75} (2,05 - 0,114H / d_3) \quad (1.25)$$

ушбу формула  $1,25 < H/d_3 < 5$ ;  $h/d_3=0,25$ ;  $6 \cdot 10^3 < Re < 5 \cdot 10^4$  кўламда мақсадга мувофиқ, энг яхши натижалар бир йўлли накаткали қувурлар учун  $H/d_3=3$  да олинган.

Уч йўлли накаткали қувурдан сув турбулент режимида оқиб ўтганда тажриба натижалари қуйидаги тенглама ёрдамида умумлаштирилади:

$$Nu = 0,023 Re^{0,8} Pr^{0,4} (Pr_f / Pr_w)^{0,25} [1 + 4,6 \exp(-0,82s / D - 0,028h / D)]^b \quad (1.26)$$

бу ерда  $b = (Re/6 \cdot 10^4)^a$ ,  $a = 0,1 - 0,3 \exp(-0,02D/h)$ .

(1.25) тенглама  $Re=2 \cdot 10^4 \dots 1,6 \cdot 10^5$ ;  $Pr=2 \dots 10$ ;  $h/D=0,01 \dots 0,08$ ;  $s/D=0,75 \dots 4,5$ ;  $h/s=0,008 \dots 0,04$  кўламда олинган.

Гидравлик қаршилик диаметри 12 мм ва узунлиги 1350 мм бўлган қувурдан сувнинг оқиб ўтишида ўрганилган. Спиралсимон ариқчалар (олти йўлли) турли қадам 3 ва бұртма чуқурлиги  $h$  га эга  $Re=(3 \dots 25) \cdot 10^3$  ораликда изотермик оқимда тажрибалар натижалари қуйидаги тенглама ёрдамида умумлаштирилади:

$$\sqrt{I_{\text{н\ddot{o}}}/8} = -1/[2,46 \ln(7/Re)^m] \quad (1.27)$$

бу ерда  $m=0,83-18,61h/s$ . Спирал уймали қувурда гидравлик қаршилик текис қувурга қараганда 70% га юқори, яъни бунда уймаларда Гертлар туридаги уюрмали оқим юзага келади.

Иссиқлик алмашинуви бўйича тажриба натижалари диаметри 16 мм ва узунлиги 1500 мм бўлган қувурда олинган. Қувурнинг ички юзасига олти йўлли спиралсимон бұртмалар ҳосил қилинган, спиралсимон канаваканинг қадами  $s=60 \dots 12$  мм ва чуқурлиги  $h=0,25 \dots 0,95$  мм бұртманинг кенглиги ўзгармас ва 3,5 мм га тенг.  $Re=(6 \dots 70) \cdot 10^3$  кўламда умумлаштирувчи тенглама қуйидаги кўринишни олади:

$$Nu = 0,02[1 + 8,59(D/s)^{0,04}(h/D)^{0,83}]Re^{0,8} Pr^{0,43} \quad (1.28)$$

[3] ишда винтсимон накатка ёрдамида қовушқоқ ньютон суюқликларида иссиқлик алмашинувини жадаллаштириш бўйича тажрибалар ўтказилган. Тадқиқот жараёнида Рейнольдс сонининг қиймати 30 дан 2000 гача ўзгаради, ишчи муҳит сифатида трансформатор мойидан фойдаланилган. Фойдаланилган қувурларнинг геометрик ўлчамлари жадвал шаклида келтирилган. Ушбу ҳолда гидравлик қаршиликни ортиши 30-60%. Иссиқлик сифимини ортиши 40-70% ни ташкил эжтади. Иссиқлик алмашинуви ва гидравлик қаршилик бўйича олинган тажриба натижалари  $Nu=f(Re)$  ва  $\chi=f(Re)$  график шаклида келтирилган.

Бир хил шароитда спиралсимон бўртмали қувурларда иссиқлик алмашинувини солиштирилганда, яъни  $Re=const$ ,  $Re=6 \cdot 10^3 \dots 7 \cdot 10^4$  бўлганда кўп йўлли бўртмалар бошқа гирдоблантиргичларга қараганда 20...25% га самаралидир.


Ҳозирги вақтда бўртма қувурлар дастасидан тайёрланган иссиқлик алмашинуви қурилмалари кенг ишлаб чиқарилмоқда. Бундай мосламаларни тармоқ сув қиздиргичларида қўлланилганида жадаллаштириш самарадорлиги 5-70% га етади: бунда иссиқлик алмашинуви қурилмасининг массаси 50% га камаяди [18, 19]. [20] ишда таъкидланганидек, бўртмали қувурлар мустаҳкамлиги бўйича текис қувурлардан қолишмайди.

Спиралсимон уймали қувурларда иссиқлик алмашинувини тажрибавий тадқиқот қилиш ҳаво ва сув учун қатор ишларда [21-23] бажарилган, бунда Рейнольдс сонининг қўлами  $Re=2 \cdot 10^3 \div 10^5$ .

Спиралсимон бўртмали қувурларда оқим вақтида жадаллаштириш самараси ўтиш ва турбулент режимлар соҳасида гидравлик қаршилиқлар бир хил бўлганда текис қувур билан солиштирилганда 50% га ортади.

### **1.6. Диффузор-конфузор туридаги иссиқлик алмашинувини жадаллаштиргичлар.**

Диффузор-конфузор туридаги иссиқлик алмашинувини жадаллаштирувчи қувурлар В.К. Мигай ва П.Г. Бистровлар томонидан яратилган [4]. Бундай қувурлар диффузор-конфузор тизимида иссиқлик алмашинувини жадаллаштириш имконини беради (1.7-расм). Қувурлар конфузор ва диффузор қисмлардан ташкил топган, улар махсус роликлар ёрдамида накаткалаш йўли билан тайёрланадию улар учта роликдан иборат бўлиб, уларга аниқ ўлчамлар берилгандан сўнг ишлайди. Диффузорлар ва конфузорларнинг кенгайиш бурчаклари оқимларнинг шароитидан танланади. Оқимларнинг узилиши иссиқлик алмашинувини жадаллаштиради, аммо босим ҳароратини ҳосил бўлишига олиб келмайди.



**1.7-расм.** Диффузор-конфузор туридаги қувурларнинг кўндаланг кесими.

Иссиқлик алмашинуви ва гидравлик қаршилик бўйича олинган натижалар  $Nu=f(Re)$  ва  $x=f(Re)$  графиклар шаклида ифодаланади. Графиклардан кўриниб турибдики, кўриб ўтилган қувурлар кичик қаршилик ва юқори иссиқлик алмашинуви билан тавсифланади. Қаршиликлар бир хил бўлганда иссиқлик сиғими 1,55 марта ошади.

[42] ишда ҳам диффузор-конфузор туридаги қувурлар тадқиқот қилинган. Тажрибалар сув ва ҳаво оқимида олиб борилган. Тажриба натижалари  $Nu=f(Re)$  ва  $x=f(Re)$  графиклар шаклида тасвирланган. Умулаштирувчи боғлиқлик қуйидаги кўринишни олади:

$$x = 0,755 / Re^{0,25} \quad (1.29)$$

$$Nu = 7,77 \left( \frac{D - d_0 - 2d}{b + c} \right) Re^n Pr^{0,43} \left( \frac{Pr_{жк}}{Pr_c} \right)^{0,25} \quad (1.30)$$

бу ерда  $\frac{D - d_0 - 2d}{b + c} \leq 0,2$  бўлганда,  $n = 0,8 - 0,82 \frac{D - d_0 - 2d}{b + c}$ .

Ушбу қувурларни тайёрлаш жуда осон ва ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш мумкин. Шунингдек ушбу конструкция мустаҳкамлик нуқтаи назаридан ҳам мақсадга мувофиқдир. Юзанинг бироз эгрилиги сўрилиш нуқтаи назаридан мақсадга мувофиқ. Ушбу сифатлар билан биргаликда юқори иссиқлик техник кўрсаткичларига эга бўлган бундай қувурлар узлукли бўртмали қувурлар олдида афзалдир.




## 1.7. Спиралсимон пружина ёрдамида иссиқлик алмашинувини жадаллаштириш.

Спиралсимон симли пружинкалар иссиқлик алмашинув мосламаларида кенг қўлланилади. Спиралсимон симли турбулизаторлар оқимнинг девор олди қисмини турбулизациялаб қолмасдан, балки ўқи атрофида бутун оқимни айланма ҳаракатга келтиради. Бу каби иссиқлик алмашинувини жадаллаштиргичлар қуйидаги асосий афзаллаиқлари билан тавсифланади:

- иссиқлик алмашинуви майдони ошади;
- қувур юзаси яқинидаги оқим ҳаракатланади, натижада тезлик ва ҳароратни максимал градиенти кузатилади;
- қовушқоқ ост қатлам бузилади;
- буралиш ва оқим бузилишининг биргаликдаги самарадорлиги иссиқлик алмашинуви қв гидравлик қаршилик орасидаги муносабатни яхшилайдди;
- тайёрлашда технологик томонлама соддалик.

Спиралсимон симли пружинкалар Н.В. Зозуля ва И.Н. Шкуратов [1], З. Нагаокий [2], В.М. Азарсков [3], А Клачак [4] ва бошқалар томонидан тажрибавий тадқиқот қилинган.

1.8-расмда спиралсимон симли пружинка тасвирланган.



1.8-расм. Қувур ичидаги спиралсимон пружинка.

Симли ўрнатмали қувурнинг асосий параметрлари қуйидагилар ҳисобланади: қувур диаметри  $D$ , сим диаметри  $d$ , симли ўрнатманинг қадами  $s$ , спиралнинг буралиш бурчаги  $j$ .

[5] ишда диаметри 25,2 мм ва узунлиги 1500 мм ( $l/d=59,5$ ) бўлган қувурда иссиқлик алмашинуви ва босим йўқотилиши ўрганилган. Симнинг

диаметри 2,0 дан 3,4 мм ( $d/D=0,079\dots 0,135$ ) гача, спиралнинг қадами 10 дан 66 мм гача ўзгаради. Спиралнинг буралиш бурчаги  $32^0$  дан  $76^0$  гача ташкил этади. Ишчи суюқлик сифатида Hindustan Petroleum Corp (Ҳиндистон) мойидан фойдаланилган. Тажрибалар  $Re_d=30\dots 700$  соҳада олиб борилган.

Тажриба натижалари  $Nu=f(Re)$ ,  $I_j=f(Re)$  графиклар шаклида келтирилган. тажриба натижаларининг умумлаштирилган натижалари қуйидаги тенглама бўйича ифодланади:

$$Nu_d = 1,65 \cdot \text{tg } j \cdot Re_{eq}^m \cdot Pr^{0,35} \left( \frac{m_f}{m_w} \right)^{0,14} \quad (1.31)$$

Спиралсимон пружинкали қувурда Нуссельт сонининг ортиши мой учун 1,5...4,0 ни ташкил этади, бу турбулент оқимга крагандан анча юқори.

[1] ишда трансформатор мойи оқимда спиралсимон симли пружинкалар тажрибавий тадқиқот қилинган. Тадқиқот  $Re=1800\dots 6300$  соҳада олиб борилган.

[5] ишда диаметри 8,48 мм ва узунлиги 1,22 м ( $l/d=144$ ) бўлган мис қувурда иссиқлик алмашинуви ва гидравлик қаршиликни тажрибавий тадқиқот натижалари келтирилган. Жами бўлиб, 16 та пружинали ўрнатмалар синаб кўрилган: симнинг диаметри 0,71 мм дан 2,03 мм гача, спирал қадами эса 2,82 дан 8,47 мм гача ўзгаради. Ишчи суюқлик сифатида SAE10 маркали енгил мотор мойидан фойдаланилади. Тажриба мойнинг ўртача ҳарароти  $101^0\text{C}$  дан  $106^0$  ( $Pr \approx 90$ ) гача ўзгаради.

Олинган натижалар шуни кўрсатадики, Рейнольдс сонининг тадқиқот қилинган соҳасида ( $Re_d=3 \cdot 10^3 \dots 8 \cdot 10^3$ ) қувур узунлиги бирлигида ўрамлар сонининг ортиши билан иссиқлик бериш ва гидравлик қаршилик аввал ортади сўнгра камаяди.

Иссиқлик бериш жадаллигининг энг яхши даражаси рейнольдс сони 1200 дан кам бўлганда амалга ошади (текис қувур билан солиштирилганда 2...3 марта юқори). Рейнольдс сонини ортиб бориши билан иссиқлик алмашинувини жадаллаштириш даражаси камаяди ва  $Re > 6000$  бўлганда

тахминан 1,5 га тенг бўлган қийматга эга бўлади. Демак, пружинали ўрнатмалар Рейнольдс сонининг кичик қийматларида энг яхши самара беради.

А. Клачак [4] диаметри 6,8 мм ва узунлиги 240 мм ( $l/d=35$ ) бўлган мис қувурда сувнинг оқидамида иссиқлик алмашинувини тадқиқот қилган. Тажрибалар  $Re_d=1,7 \cdot 10^3 \dots 2 \cdot 10^4$  соҳада бажарилган (турбулент режим),  $Pr=2,5 \dots 9,0$ . Иссиқлик алмашинуви учун умумлаштирувчи тенглама қуйидаги кўринишни олади:

$$Nu_d = 1,04 Re_d^{0,54} (s/D)^{-0,29} (d/D)^{0,35} \quad (1.32)$$

(1.32) тенглама  $s/D=0,57 \dots 286$ ;  $d/D=0,1 \dots 0,22$  соҳада ўринли.

[2] ишда сувнинг оқидамида спиралсимон симли пружинкалар тажрибавий тадқиқот қилинган. Тадқиқот  $Re=4600 \div 23000$ ,  $l/d=0,26 \div 1,78$ ;  $h/d=0,0335 \div 0,15$  оралиқларда олиб борилган.

[6] ишда диаметри 25 мм ва узунлиги 1500 мм ( $l/d=60$ ) бўлган қувурда иссиқлик алмашинуви ва гидравлик қаршилик бўйича тажрибавий тадқиқотлар олиб борилган. Симнинг диаметри 2 ва 3 мм ( $d/D=0,08$  ва  $0,12$ ), спирал қадами эса 20 дан 132 мм гача ўзгаради. Спиралнинг буралиш бурчаги  $30^\circ \dots 75^\circ$  оралиғида. Турбулент режимда тажриба олиб борилган бўлиб, ишчи суюқлик сифатида 50% - ли глицерин эритмаси ва сувдан фойдаланилган ( $Re_d=3 \cdot 10^3 \dots 8 \cdot 10^5$ ).

Олинган натижаларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, турбулент оқимда иссиқлик бериш коэффициентини ортиши текис қувур билан солиштирилганда 1,3-1,5 ни ташкил этади, бу ламинар оқим режимига қараганда кам.

[3] ишда  $CaCl_2$  намақнинг оқиб ўтишида спиралсимон симли пружинка тажрибавий тадқиқот қилинган. Тадқиқотлар  $Re=1100 \div 4500$ ,  $l/d=1,63 \div 1,78$ ;  $h/d=0,0335 \div 0,15$  соҳаларда олиб борилган.

[7] ишда диаметри 13,81 мм ва узунлиги 605 мм ( $l/d=43,8$ ) бўлган қувурда иссиқлик алмашинуви ва гидравлик қаршилик тўлиқ тадқиқот

қилинган. Спиралсимон пружинкаларнинг 11 та варианты тадқиқот қилинган. Спиралсимон пружинкалар симнинг диаметри ва спирал қадами билан фарқланади:  $d=0,5\dots3$  мм,  $s=10\dots60$  мм,  $d/D=0,033\dots0,207$ , Рейнольдс сони  $4\cdot 10^3$  дан  $5\cdot 10^4$  гача ўзгаради.

Тадқиқот натижалари  $Nu=f(Re)$  и  $I=f(Re)$  график шаклида келтирилган.

[8] ишда диаметри 13,81 мм ва ўлчамсиз узунликдаги  $l/D=43,8$  қувурда иссиқлик алмашинуви ва гидравлик қаршилик тўлиқ тадқиқот қилинган. Рейнольдс сони 6000 дан 40000 гача ўзгаради. Тадқиқот қилинган спиралсимон пружинканинг асосий параметрлари жадвал шаклида келтирилган [8].

Иссиқлик алмашинуви бўйича тажриба натижалари қуйидаги формула бўйича умумлаштирилади

$$\frac{Nu}{Nu_0} = 1,85 + 2,5 \frac{2h}{d} - \frac{0,85 + 2,5(2h/d) t}{2,8 + 12,6(2h/d) d} \quad (1.33)$$

Тенглама  $0,0667 < 2h/d < 0,435$ ;  $0,75 < t/d < 4,4$ ;  $6\cdot 10^3 < Re < 4\cdot 10^4$  ораликларда ўринли.

Иссиқлик гидравлик самарадорлигини ҳисобий натижалари  $Nu=f(Re)$  и  $x=f(Re)$  график шаклида келтирилган.

Спиралсимон пружинкаларнинг энг яхши вариантини қўлланганда ва гидравлик қаршиликлар текис қувур билан солиштирилганда бир хил бўлганда иссиқлик сиғимини 40% га ошишига олиб келади.

[9] ишда спиралсимон пружинкали қувурда иссиқлик алмашинуви ва гидравлик қаршилик бўйича тадқиқот натижалари келтирилган, бунда Рейнольдс сони 4000 дан 100000 гача ўзгаради, ишчи муҳит сифатида сув ва глицериннинг 50% ли эритмасидан фойдаланилган. Тадқиқот қилинган пружиналарнинг асосий параметрлари жадвал шаклида келтирилган [9].

Шунингдек, [9] ишда спиралсимон пружинка ўрнатилган қувурда трансформатор мойи оқиб ўтишида иссиқлик алмашинуви жараёнини тадқиқот натижалари ёритилган. Рейнольдс сони  $30 < Re < 2000$ ,  $300 < Re < 675$

оралиқда ўзгаради. Каналнинг геометрик тавсифлари куйидаги соҳада ўзгаради:  $s/d=2,62 \div 0,83$ ;  $h_s/d=0,085 \div 0,14$ ;  $a_0=32 \div 61^0$ .

Спиралсимон пружинка ўрнатилган кувурда  $Nu$  сонини ҳисоблаш учун куйидаги тенглама таклфи этилган

$$\overline{Nu} = 1,65 \operatorname{tg} a (\operatorname{Re}_{De})^{0,25} (\operatorname{tga})^{-0,38} \operatorname{Pr}^{0,35} (m/m_{\text{н0}})^{0,14} \quad (1.34)$$

Спирал қадамнинг камайиши ва ўрнатманинг баландлигини ортиши билан жадаллаштириш самарадорлиги 150-400% ни ташкил этади.

[10] ишда қовушқоқ ньютон суюқликларининг ламинар режимда спиралсимон симли пружинка тадқиқот қилинган.

Ҳисобий амалиётда қўллаш учун куйидаги умумлаштирилган тенглама қўлланилади

$$\overline{Nu} = 0,23 \operatorname{Re}^{0,7} \operatorname{Pr}^{0,35} (d/D)^{0,7} (9-s/D)^{0,5} \quad (1.35)$$

Боғлиқликни қўлланилиш соҳаси:  $Re=80 \div 1200$ ;  $s/D=0,71 \div 4,3$ ;  $d/D=0,714 \div 0,171$ .

Тажрибавий ва ҳисобий четлашиш 12% дан ошмайди. Ўрнатмали кувурларда иссиқлик бериш коэффицентини геометрик параметрларга боғлиқ ҳолда 2-4,5 марта ортади. Иссиқлик алмашинуви юзаси эса текис кувур билан солиштирилганда 10-60% гача ортади. Тадқиқот натижалари  $\overline{Nu} = f(Re)$  график шаклида келтирилган.

Гидравлик қаршилик коэффиенти қийматини ҳисоблаш учун куйидаги умумлаштирилган тенгламадан фойдаланилади

$$x = \frac{530}{\operatorname{Re}^{0,36}} \left( \frac{d}{D} \right)^{1,4} \exp \left[ - \left( \frac{s}{D} \right)^{0,65} \right] \quad (1.36)$$

Тажрибавий ва назарий четлашиш 14% дан ошмайди. Боғлиқликни қўлланилиш соҳаси:  $s/D=0,71 \div 4,3$ ;  $d/D=0,071 \div 0,17$ .

Тадқиқот натижалари  $x=f(Re)$  график шаклида келтирилган. Иссиқлик самарадорлик натижалари  $\overline{Nu} / \overline{Nu}_0 = f(Re)$  ва  $x/x_0 = f(Re)$  график шаклида келтирилган.

[11] ишда спиралсимон симли гирдоблантиргичда иссиқлик алмашинуви тажрибавий тадқиқот қилинган. Тажрибалар сувнинг оқимида  $Re_d=3\cdot 10^3\div 3\cdot 10^5$  оралиқда бажарилган. Иссиқлик алмашинуви учун умумлаштирилган тенглама қуйидаги кўринишда ифодаланади:

$$\overline{Nu} = 0,175 Re^{0,7} Pr^{1/3} (d/D)^{-0,35} \quad (1.37)$$


Бу турдаги турбулизаторларни кўндаланг чуқурчали турбулизаторлар билан солиштирганда спирал қадами кичик бўлганда кам яроқлидир шунингдек пружинканинг қувур билан иссиқлик контакти ишончли эмас, яъни пружина қувурнинг ички юзасига етарлича зич маҳкамланмайди, ушбу камчиликлар уларни нисбатан кичик қадамларда қўллаш самарадорлигини камайтиради.

### **1.8. Иссиқлик алмашинувини жадаллаштиришнинг турли усуллари самарадорлигини солиштириш.**

Ушбу бўлимда иссиқлик алмашинуви қурилмасининг каналларида иссиқлик алмашинувини жадаллаштириш самарадорлигини баҳолаш усуллари таҳлили келтирилган. Ушбу мақсад учун энг самарали иссиқлик алмашинувини жадаллаштиргичларнинг конструкцияси ва жадаллаштириш механизмлари борасида қисқача адабиётлар шарҳи келтирилган. Янги илмий-техник маълумот келтирилган: қатор жадаллаштиргичларнинг самарадорлигини тизимлашган тавсифлари келтирилган. Иссиқлик алмашинуви қурилмасида иссиқлик алмашинувини жадаллаштиришдан фойдаланганда самарадорликни баҳолаш учун  $h = (Nu / Nu_0) / (x / x_0)$  коэффициентдан фойдаланиш тавсия этилади, уни иссиқлик алмашинуви жадаллашган ва оддий иссиқлик алмашинуви қурилмаси учун қуйидаги шаклда ҳам ёзиш мумкин  $h = E' / E'_0$  («0» индексни текис қувурли иссиқлик алмашинуви қурилмалари учун), ёки  $E' = Q / NDt$  коэффициентлар нисбати шаклида ҳам ифодалаш мумкин (Q–иссиқлик оқими, N–иссиқлик ташувчини ҳайдаш учун сарфланган қувват,  $\Delta t$ –ҳароратлар фарқи).

Иссиқлик гидравлик самарадорликнинг баҳоси турбулент (1.9-расм) ва ламинар (1.10-расм) режимлар учун алоҳида келтирилган.


Турбулент режимда энг яхши самарадорлик кичик ҳалқали кўндаланг бўртиқли қувурда кузатилади (1.9-расмда 2 чизик). Рейнольдс сонининг  $Re=80-1000$  соҳасида максимал самарадорлик нисбатан катта баландликли ҳалқали кўндаланг бўртиқлар  $h/D \leq 0,1$  учун ҳам аҳамиятлидир (1.10-расмда 3 чизик). ушбу турдаги иссиқлик алмашинувини жадаллаштиргич бошқа турдаги жадаллаштиригичларга қараганда жуда ҳам кўп ўрганилган.



